

Ўзбекистонда туризм ва дам олишнинг ривожланиши

2025 йил учун


- I. Халқаро туризм
- II. Ички туризм
- III. Туристик фирма ва ташкилотларнинг фаолияти
- IV. Жойлаштириш воситаларининг фаолияти
- V. Туризм ва дам олишнинг ривожланишига доир кўрсаткичлар бўйича услубий тушунтиришлар ва метамаълумотлар

I. Халқаро туризм

Халқаро туризм қуйидагиларни ўз ичига олади:

- **кириш туризми** – Ўзбекистонда доимий яшамайдиган шахсларнинг Ўзбекистон ҳудудидаги саёҳати;
- **чиқиш туризми** – Ўзбекистонда доимий яшовчи шахсларнинг бошқа мамлакатга саёҳати ([18.07.2019 йилдаги ЎРҚ-549-сон Қонуни](#)).

Туристик сафарлар сони ¹⁾
(тегишли йил учун, минг сафар)



2025 йилда туристик мақсадларда хорижий фуқаролар томонидан Ўзбекистонга **11 679,6 мингта сафар** амалга оширилди ва 2024 йилга нисбатан ушбу кўрсаткич **3 722,4 мингта (ёки 46,8 фоиз)**га ошди.

Туристик мақсадларда хорижга чиққан Ўзбекистон фуқаролари сафарлари сони **7 559,7 мингтани** ташкил этиб, 2024 йилга нисбатан **1 375,9 мингта (ёки 22,3 фоиз)**га кўпайди.

¹⁾ Сафарлар сони ҳисобга олинади, чунки республикага кириб келган ёки республикадан кетган бир шахс бир неча маротаба қайд этилган бўлиши мумкин ва ҳар бир сафар алоҳида бир ҳолат сифатида кўрилади.

Туристик сафарлар сонининг мақсадлар кесимида тақсимланиши

(2025 йил учун, минг сафар)

Туристик сафарларнинг мақсадлари	Ўзбекистонга ташриф буюрган чет эл фуқароларининг туристик сафарлари сони		Чет элга кетган Ўзбекистон фуқароларининг туристик сафарлари сони	
	жами	жамига нисбатан фоиздаги улуши	жами	жамига нисбатан фоиздаги улуши
Жами	11 679,6	100	7 559,7	100
шундан:				
Хизмат сафари	1 321,5	11,3	15,8	0,2
Ўқиш	39,7	0,4	28,9	0,4
Бўш вақт ва дам олиш	1 922,1	16,5	1 563,7	20,7
Қариндошларни йўқлаш	7 863,3	67,3	5 886,1	77,8
Даволаниш	86,2	0,7	65,2	0,9
Тижорат	446,8	3,8	-	-

2025 йилда хорижий фуқаролар Ўзбекистонга асосан қариндошларини йўқлаш мақсадида келдилар ва ушбу туристик сафарлар **7 863,3 мингта** (ёки жами сафарларнинг **67,3 фоизи**)ни ташкил этди. Бўш вақтни ўтказиш ва дам олиш мақсадида – **1 922,1 мингта** (**16,5 %**), хизмат мақсадида – **1 321,5 мингта** (**11,3 %**), тижорат мақсадида эса **446,8 мингта** (**3,8 %**) сафар амалга оширилди. Даволаниш мақсадидаги сафарлар сони **86,2 мингтани** (**0,7 %**), ўқиш мақсадидаги сафарлар эса **39,7 мингтани** (**0,4 %**) ташкил этди.

Ўзбекистон фуқароларининг хорижга қариндошларни йўқлаш мақсадида амалга оширган туристик сафарлари сони устунлик қилиб, **5 886,1 мингта** (ёки жами сафарларнинг **77,8 фоизи**)га етди. Бўш вақтни ўтказиш ва дам олиш мақсадида – **1 563,7 мингта** (**20,7 %**), даволаниш мақсадида – **65,2 мингта** (**0,9 %**), ўқиш мақсадида – **28,9 мингта** (**0,4 %**), хизмат мақсадида эса **15,8 мингта** (**0,2 %**) сафар амалга оширилди.

Мавзуга доир кўрсаткичлар:

[Ўзбекистонга ташриф буюрган чет эл фуқароларининг туристик сафарлари сони \(жами\)](#)

[Чет эл фуқароларининг туристик сафарлари сонининг давлатлар кесимида тақсимланиши](#)

[Чет эл фуқароларининг хизмат мақсадида амалга оширган туристик сафарлари сони](#)

[Чет эл фуқароларининг ўқиш мақсадида амалга оширган туристик сафарлари сони](#)

[Чет эл фуқароларининг бўш вақтини ўтказиш ва дам олиш мақсадида амалга оширган туристик сафарлари сони](#)

[Чет эл фуқароларининг қариндошларини йўқлаш мақсадида амалга оширган туристик сафарлари сони](#)

[Чет эл фуқароларининг даволаниш мақсадида амалга оширган туристик сафарлари сони](#)

[Чет эл фуқароларининг тижорат мақсадида амалга оширган туристик сафарлари сони](#)

[Ўзбекистон фуқароларининг хорижий давлатларга туристик сафарлари сони \(жами\)](#)

[Ўзбекистон фуқароларининг туристик сафарлари сонининг давлатлар бўйича тақсимланиши](#)

[Ўзбекистон фуқароларининг хизмат мақсадида амалга оширган туристик сафарлари сони](#)

[Ўзбекистон фуқароларининг ўқиш мақсадида амалга оширган туристик сафарлари сони](#)

[Ўзбекистон фуқароларининг бўш вақтини ўтказиш ва дам олиш мақсадида амалга оширган туристик сафарлари сони](#)

[Ўзбекистон фуқароларининг қариндошларини йўқлаш мақсадида амалга оширган туристик сафарлари сони](#)


[Ўзбекистон фуқароларининг даволаниш мақсадида амалга оширган туристик сафарлари сони](#)

II. Ички туризм

Ички туризм Ўзбекистонда доимий яшовчи шахсларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги саёҳатини ўз ичига олади ([18.07.2019 йилдаги ЎРҚ-549-сон Қонуни](#)).

Мамлакат ичида амалга оширилган туристик сафарлар сони ¹⁾

(тегишли йил учун, млн сафар)



2025 йилда мамлакат ичида **137,7 млн туристик сафар** амалга оширилди ва ушбу кўрсаткич 2024 йилга нисбатан **8,2 млн (ёки 6,3 фоиз)**га ўсди.

Мамлакат ичида амалга оширилган туристик сафарлар

сонининг мақсадлар кесимида тақсимланиши

(2025 йил учун, млн сафар)

Туристтик сафарларнинг мақсадлари	Сафарлар сони	
	жами	жамига нисбатан фоиздаги улуши
Жами	137,7	100
<i>шундан:</i>		
таътил, бўш вақт ва дам олиш	25,8	18,7
қариндош ва танишларни йўқлаш	73,9	53,7
таълим олиш ва касбий тайёргарлик	0,8	0,6
даволаниш ва соғломлаштириш муолажаларини ўтказиш	1,6	1,2
диний жойлар ва зиёратгоҳларга ташриф буюриш	12,4	9,0
харидларни амалга ошириш	17,8	12,9
бошқа шахсий мақсадлар	1,5	1,1
ишга доир ва касбий мақсадлар	3,9	2,8

¹⁾ Кўрсаткичлар уй ҳўжаликларининг танланма кузатуви натижалари асосида шакллантирилган.

2025 йилда мамлакат ичидаги туристик сафарларнинг ярмидан кўпи қариндошлар ва танишларни йўқлаш мақсадида амалга оширилди ва уларнинг сони **73,9 млн сафар** (ёки жами сафарларнинг **53,7 фоизи**)ни ташкил этди. Таътил, бўш вақтни ўтказиш ва дам олиш мақсадида – **25,8 млн (18,7 %)**, харидларни амалга ошириш мақсадида – **17,8 млн (12,9 %)**, диний жойлар ва зиёратгоҳларга ташриф буюриш мақсадида эса **12,4 млн (9,0 %) сафар** амалга оширилди.

Ишга доир ва касбий мақсадларда – **3,9 млн (2,8 %)**, даволаниш ва соғломлаштириш муолажаларини ўтказиш мақсадида – **1,6 млн (1,2 %)**, бошқа шахсий мақсадларда – **1,5 млн (1,1 %)**, таълим олиш ва касбий тайёргарлик мақсадида эса **0,8 млн (0,6 %) сафар** амалга оширилди.


III. Туристик фирма ва ташкилотларнинг фаолияти

Туроператорлик ва турагентлик фаолияти, шунингдек саёҳатлар ташкил этишга доир бошқа фаолият **туристик фаолиятдир**. Туристик маҳсулотни шакллантириш, тарғиб этиш ва реализация қилиш юзасидан юридик шахс томонидан амалга ошириладиган тадбиркорлик фаолияти **туроператорлик фаолиятидир**. Туристик маҳсулотни тарғиб этиш ва реализация қилиш юзасидан юридик ёки жисмоний шахс томонидан амалга ошириладиган тадбиркорлик фаолияти **турагентлик фаолиятидир** ([18.07.2019 йилдаги ЎРҚ-549-сон Қонуни](#)).


Туристик маҳсулот туристик бозор конъюнктурасидан келиб чиққан ҳолда ёхуд туристнинг ёки экскурсантнинг буюртмасига кўра туроператор томонидан шакллантириладиган, туристнинг ва экскурсантнинг эҳтиёжларини қаноатлантириш учун зарур бўлган туристик хизматлар мажмуидир ([18.07.2019 йилдаги ЎРҚ-549-сон Қонуни](#)).

Туристик фирма ва ташкилотлар фаолиятининг асосий кўрсаткичлари ¹⁾ (тегишли йил учун)


**Туристик фирма
ва ташкилотлар сони**
(бирлик)



**Хизмат кўрсатилган
шахслар сони**
(минг киши)



**Сотилган сайёҳлик
йўлланмалари сони**
(минг бирлик)



¹⁾ Маълумотлар юридик шахслар томонидан тақдим этиладиган 1 turizm шакли бўйича статистика ҳисоботи асосида шакллантирилган. Жисмоний шахс ва яқка тартибдаги тадбиркорлар ҳисобга олинмаган.

2025 йилда Ўзбекистонда **869 та туристик фирма ва ташкилот** фаолият юритиб, улар томонидан **1 981,7 минг нафар шахсга** ¹⁾ хизмат кўрсатилди ва **706,9 мингта сайёҳлик йўлланмаси** сотилди. 2024 йилга нисбатан туристик фирма ва ташкилотлар сони **126 та** (ёки **17,0 фоиз**)га, хизмат кўрсатилган шахслар сони **8,8 минг нафар** (ёки **0,4 фоиз**)га, сотилган сайёҳлик йўлланмалари сони эса **105,4 мингта** (ёки **17,5 фоиз**)га ошди.

**Туристик фирма ва ташкилотлар фаолияти кўрсаткичларининг
ҳудудлар кесимида тақсимланиши**
(2025 йил учун)

	Туристик фирма ва ташкилотлар сони		Хизмат кўрсатилган шахслар сони		Сотилган сайёҳлик йўлланмалари сони	
	жами (бирлик)	жамига нисбатан фоиздаги улуши	жами (минг киши)	жамига нисбатан фоиздаги улуши	жами (минг бирлик)	жамига нисбатан фоиздаги улуши
Ўзбекистон Республикаси	869	100	1 981,7	100	706,9	100
<i>ҳудудлар:</i>						
Қорақалпоғистон Респ.	8	0,9	30,7	1,6	19,1	2,7
Андижон вилояти	12	1,4	4,0	0,2	3,9	0,6
Бухоро вилояти	64	7,4	133,6	6,7	51,0	7,2
Жиззах вилояти	18	2,1	41,7	2,1	21,9	3,1
Қашқадарё вилояти	13	1,5	23,1	1,2	15,1	2,1
Навоий вилояти	26	3,0	31,7	1,6	0,1	0,0
Наманган вилояти	9	1,0	6,4	0,3	6,5	0,9
Самарқанд вилояти	173	19,9	192,8	9,7	103,2	14,6
Сурхондарё вилояти	13	1,5	1,9	0,1	1,8	0,3
Сирдарё вилояти	3	0,3	2,3	0,1	2,3	0,3
Тошкент вилояти	23	2,6	5,7	0,3	4,0	0,6
Фарғона вилояти	30	3,5	20,0	1,0	13,7	1,9
Хоразм вилояти	29	3,3	548,7	27,7	25,0	3,5
Тошкент шаҳри	448	51,6	939,1	47,4	439,3	62,2

2025 йилда туристик фирма ва ташкилотлар энг кўп Тошкент шаҳрида (**448 та**), Самарқанд (**173 та**) ва Бухоро (**64 та**) вилоятларида фаолият юритди. Энг кам сонли ташкилотлар эса Сирдарё вилоятида (**3 та**), Қорақалпоғистон Республикасида (**8 та**) ва Наманган вилоятида (**9 та**) кузатилди.

Туристик фирма ва ташкилотлар томонидан энг кўп шахсларга хизмат кўрсатиш Тошкент шаҳри (**939,1 минг нафар**), Хоразм (**548,7 минг нафар**) ва Самарқанд (**192,8 минг нафар**) вилоятларига тўғри келди. Сурхондарё (**1,9 минг нафар**), Сирдарё (**2,3 минг нафар**) ва Андижон (**4,0 минг нафар**) вилоятларида эса хизмат кўрсатилган шахслар сони энг кам бўлди.

¹⁾ Фақат виза, хорижга чиқиш паспорти расмийлаштирилган, меҳмонхонада жой банд қилинган ва шу каби хизматлар кўрсатилган шахсларни ҳам ўз ичига олади.

Туристик фирма ва ташкилотлар томонидан энг кўп сайёҳлик йўлланмалари Тошкент шаҳри (**439,3 мингта**), Самарқанд (**103,2 мингта**) ва Бухоро (**51,0 мингта**) вилоятларида сотилди. Навоий (**0,1 мингта**), Сурхондарё (**1,8 мингта**) ва Сирдарё (**2,3 мингта**) вилоятларида эса энг кам сайёҳлик йўлланмалари сотилди.

Мавзуга доир кўрсаткичлар:

[Фаолият юритаётган туристик фирма ва ташкилотлар сони](#)

[Туристик фирма ва ташкилотлар томонидан хизмат кўрсатилган шахслар сони](#)

[Туристик фирма ва ташкилотлар томонидан сотилган сайёҳлик йўлланмалари сони](#)


IV. Жойлаштириш воситаларининг фаолияти

Жойлаштириш воситалари меҳмонхоналар, туристик базалар ва мажмуаларни, дам олиш уйлари ва зоналарини, пансионатлар, кемпинглар, мотеллар, меҳмон уйлари, ўтов ва чодирли оромгоҳлар, санаторийларни ҳамда меҳмонхона хизматлари (жойлаштириш бўйича хизматлар) кўрсатиладиган бошқа объектларни, шунингдек жойлаштириш воситаси сифатида тунаб қолиш учун жиҳозланган ер усти транспортини ўз ичига олади ([18.07.2019 йилдаги ЎРҚ-549-сон Қонуни](#)).


Номер фонди – жойлаштириш воситасидаги умумий номер (хона)лар сони (яъни яшаш учун мўлжалланган турар жой хоналари). Вақтинча яшаш учун зарур бўлган мебел, жиҳоз ва инвентарлар билан жиҳозланган бир ёки бир нечта турар жой хоналари номер (хона) деб ҳисобланади.

Жойлаштириш воситалари фаолиятининг асосий кўрсаткичлари ¹⁾ (тегишли йил учун)


**Жойлаштириш
воситаларининг
объектлари сони**
(бирлик)




**Жойлаштирилган
шахслар сони**
(минг киши)



**Номер (хона)лар
сони**
(минг бирлик)



**Жойлар
сони**
(минг бирлик)



¹⁾ Маълумотлар юридик шахслар томонидан тақдим этиладиган 1 turizm шакли бўйича статистика ҳисоботи асосида шакллантирилган. Жисмоний шахс ва якка тартибдаги тадбиркорлар ҳисобга олинмаган.

2025 йилда Ўзбекистонда жойлаштириш воситаларининг **3 644 та** объекти бўлган ва 2024 йилга нисбатан объектларнинг сони **44 та** (ёки **1,2 фоиз**)га ошди. Жойлаштирилган шахслар сони **4 356,1 минг нафарга** етиб, **94,3 минг нафар** (ёки **2,2 фоиз**)га кўпайди. Жойлаштириш воситаларидаги номер (хона)лар сони **60,4 мингтани** ташкил этиб, **2,1 мингта** (ёки **3,6 фоиз**)га ўсди. Улардаги жойлар сони эса **167,1 мингтага** етиб, 2024 йилга нисбатан **21,4 мингта** (ёки **14,7 фоиз**)га кўп бўлди.

Жойлаштириш воситалари фаолияти
кўрсаткичларининг ҳудудлар кесимида тақсимланиши
(2025 йил учун)

	Жойлаштириш воситаларининг объектлари сони (бирлик)	Жойлаштирилган шахслар сони (минг киши)	Номерлар (хоналар) сони (минг бирлик)	Жойлар сони (минг бирлик)
Ўзбекистон Республикаси	3 644	4 356,1	60,4	167,1
<i>ҳудудлар:</i>				
Қорақалпоғистон Респ.	90	58,4	1,1	3,9
Андижон вилояти	113	102,6	2,1	5,3
Бухоро вилояти	370	388,4	5,4	12,4
Жиззах вилояти	124	114,9	1,8	4,2
Қашқадарё вилояти	141	108,8	2,0	10,3
Навоий вилояти	105	97,9	2,5	6,9
Наманган вилояти	87	124,5	2,4	7,2
Самарқанд вилояти	501	746,1	8,3	21,4
Сурхондарё вилояти	103	125,7	2,2	6,1
Сирдарё вилояти	31	43,2	0,4	0,9
Тошкент вилояти	442	463,8	6,9	22,9
Фарғона вилояти	167	194,5	2,6	11,0
Хоразм вилояти	251	262,7	4,2	11,0
Тошкент шаҳри	1 119	1 524,6	18,5	43,6

2025 йилда жойлаштириш воситаларининг объектлари энг кўп Тошкент шаҳрида (**1 119 та**), Самарқанд (**501 та**) ва Тошкент (**442 та**) вилоятларида қайд этилди. Энг кам сонли объектлар эса Сирдарё (**31 та**), Наманган (**87 та**) вилоятларида ва Қорақалпоғистон Республикасида (**90 та**) кузатилди.

Энг кўп жойлаштирилган шахслар Тошкент шаҳри (**1 524,6 минг нафар**), Самарқанд (**746,1 минг нафар**) ва Тошкент (**463,8 минг нафар**) вилоятларига тўғри келди. Сирдарё вилояти (**43,2 минг нафар**), Қорақалпоғистон Республикаси (**58,4 минг нафар**) ва Навоий вилоятида (**97,9 минг нафар**) эса жойлаштирилган шахслар сони кам бўлди.

Жойлаштириш воситаларидаги номер (хона)лар сони бўйича Тошкент шаҳри (**18,5 мингта**), Самарқанд (**8,3 мингта**) ва Тошкент (**6,9 мингта**) вилоятлари етакчилик қилди. Энг кам номер (хона)лар Сирдарё вилояти (**0,4 мингта**), Қорақалпоғистон Республикаси (**1,1 мингта**) ва Жиззах вилоятида (**1,8 мингта**) кузатилди.

Жойлаштириш воситаларидаги жойларнинг энг кўп қисми Тошкент шаҳри (**43,6 мингта**), Тошкент (**22,9 мингта**) ва Самарқанд (**21,4 мингта**) вилоятларига тўғри келди. Энг кам сонли жойлар эса Сирдарё вилояти (**0,9 мингта**), Қорақалпоғистон Республикаси (**3,9 мингта**) ва Жиззах вилоятида (**4,2 мингта**) қайд этилди.

Мавзуга доир кўрсаткичлар:

[Жойлаштириш воситаларининг объектлари сони](#)

[Жойлаштириш воситаларидаги жойлар сони](#)

[Меҳмонхона ва шунга ўхшаш жойлаштириш воситаларининг объектлари сони](#)

[Меҳмонхона ва шунга ўхшаш жойлаштириш воситаларидаги жойлар сони](#)

[Меҳмонхона ва шунга ўхшаш жойлаштириш воситаларида жойлаштирилган шахслар сони](#)

[Ихтисослаштирилган жойлаштириш воситаларининг объектлари сони](#)

V. Туризм ва дам олишнинг ривожланишига доир кўрсаткичлар бўйича услубий тушунтиришлар ва метамаълумотлар

Туризм статистикаси бўйича халқаро тавсиялар (ТСХТ, 2008)га мувофиқ, “туризм” тушунчаси ташриф буюрувчилар фаолиятига мансубдир.

Ташриф буюрувчи “саёҳатчи” тушунчасининг қўйи тоифаси, туризм эса “саёҳат” тушунчасининг қўйи тоифаси ҳисобланади. Туристик сафарни амалга ошираётган саёҳатчи ташриф буюрувчи деб аталади.

Кирувчи туристик сафар – ташриф буюрувчининг мамлакатга кириб келган пайтидан бошлаб, мамлакатдан чиқиб кетгунга қадар амалга оширган саёҳати.

Чиқувчи туристик сафар – ташриф буюрувчининг ўз доимий яшаш мамлакатидан чиқиб кетиш пайтидан бошлаб, унга қайтиб келгунга қадар амалга оширган саёҳати.

Жамоавий жойлаштириш воситаси (БМТ Туризм (UN Tourism) терминологиясига мувофиқ) сайёҳларга мунтазам ёки вақт-вақти билан тунаб қолиш учун хона ёки бошқа биноларда жойлашиш имкониятини тақдим этадиган ҳар қандай объектни англатади, аммо ундаги номер (хона)лар сони ҳар бир давлат томонидан мустақил равишда белгиланган минимал даражадан ортиқ бўлиши керак. Шу билан бирга, жамоавий жойлаштириш воситасидаги барча номер (хона)лар ягона бошқарувга бўйсунishi (ҳатто фойда олиш мақсад қилинмаган бўлса ҳам), кўрсатиладиган хизматлар ва мавжуд жиҳозларга мувофиқ тоифа ва синфларга ажратилган бўлиши керак.

Жамоавий жойлаштириш воситаларига меҳмонхона ва шунга ўхшаш жойлаштириш воситалари (меҳмонхоналар, мотеллар, қўноқуylлар ва меҳмонхона туридаги бошқа ташкилотлар), ихтисослаштирилган жойлаштириш воситалари (санатория-курорт ташкилотлари, соғломлаштириш ташкилотлари, дам олиш уйлари, пансионатлар, кемпинглар, дам олиш базалари, туристик базалар ва бошқа ихтисослаштирилган жойлаштириш воситалари), индивидуал ва бошқа жойлаштириш воситалари (меҳмон уйлари, дала ҳовлилари, ўтов лагерлари ва индивидуал жойлаштириш воситаларининг бошқа турлари) киради.

Ўзбекистонда туризм ва дам олишнинг ривожланишига оид статистик маълумотлар қуйидагилар асосида шакллантирилади:

➤ **халқаро туристик оқимлар бўйича маъмурий маълумотлар.** Хорижга чиққан Ўзбекистон фуқаролари тўғрисидаги маълумотлар Ички ишлар вазирлиги ҳузуридаги Миграция ва персоналлаштириш департаменти Персоналлаштириш маркази, Ўзбекистонга ташриф буюрган хорижий фуқаролар тўғрисидаги маълумотлар эса Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари томонидан тақдим этилади. Маълумотлар ҳар ойда Миллий статистика қўмитасига тақдим этилади ва сафар мақсадлари, хорижга чиққан Ўзбекистон фуқаролари борган мамлакатлар, шунингдек, Ўзбекистонга ташриф буюрган хорижий фуқаролар келган мамлакатлар тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олади;

➤ **ички туризм бўйича уй хўжаликлари танланма кузатуви материаллари** – “Ички туризм ва аҳолининг жисмоний фаоллиги кузатуви сўровномаси”. Кузатув республиканинг барча ҳудудларида танлаб олинган уй хўжаликлари ўртасида ўтказилади ва ички туризм бўйича статистик кўрсаткичларни шакллантиришда фойдаланилади;

➤ **йиллик статистика ҳисоботи 1 turizm shakli** “Ташриф буюрувчиларга хизмат кўрсатиш ва жойлаштириш тўғрисидаги статистика ҳисоботи”. Ушбу ҳисоботларни сайёҳлик-экскурсия ва жойлаштириш (жамоавий жойлаштириш воситалари) хизматларини кўрсатувчи юридик шахслар, зарур ҳолатларда уларнинг алоҳида бўлинмалари тақдим этадилар. Ташриф буюрувчиларга хизмат кўрсатиш ва жойлаштириш тўғрисидаги статистика ҳисоботларида туристик фирма ва ташкилотлар (ходимлар, сотилган сайёҳлик йўлланмалар ва хизмат кўрсатилган шахслар сони ҳақида маълумотлар) ҳамда жамоавий жойлаштириш воситалари фаолияти (номер фонди, жойлаштирилган шахслар ва тунаб қолиш ҳолатлари сони), шунингдек, туризм ва дам олиш соҳасини тавсифловчи бошқа кўрсаткичлар акс эттирилади. Статистик маълумотлар республика ва ҳудудлар кесимида тақдим этилади.

Туризм соҳасидаги статистик маълумотлар туризм тармоғининг ҳолатини баҳолаш, давлат сиёсатини шакллантириш, ривожланиш стратегияларини ишлаб чиқиш, шунингдек, туристик оқимлар ва аҳолининг туристик афзалликларини мониторинг қилиш ҳамда таҳлил этишда муҳим аҳамиятга эга. Ушбу маълумотлар давлат ҳокимияти органлари, бизнес ҳамжамияти ва халқаро ташкилотларга инвестициявий жозибадорликни ошириш ҳамда мамлакатда туризмнинг барқарор ривожланишини таъминлашга қаратилган асосланган қарорлар қабул қилиш имконини беради.

Фойдали ҳаволалар:

[Ўзбекистон Республикасининг "Туризм тўғрисида"ги Қонуни \(18.07.2019 йилдаги ЎРҚ-549-сон\)](#)

[Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбекистон Республикасининг ташқи сектори статистикаси шакллантирилишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори \(03.04.2018 йилдаги 263-сон\)](#)

[Туризм статистикаси бўйича халқаро тавсиялар, 2008 йил](#)

[Туризм статистикаси бўйича услубий низом](#)

Тайёрлаш учун масъул:

Ижтимоий соҳа ва барқарор
ривожланиш статистикаси
бошқармаси

Манзил: 100170, Тошкент ш.,

Мустақиллик шоҳ кўчаси, 63

Эл. манзил: info@stat.uz

Тел.: (71) 203-80-00 (ички рақам: 1305)

